

«Hilol-nashr» нашриётида икки китоб тақдимоти бўлиб ўтди



17:08 / 09.03.2019 4523

Бугун 2019 йилнинг 9 март куни «Hilol-nashr» матбаа ижодий уйининг мажлислар залида бўлиб ўтган йиғилиш устозимиз, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ қаламларига мансуб «Тафсири Ҳилол 30-жуз» (Қуръони каримнинг 30-пораси тафсири) ҳамда «Усмон ибн Мазъун» жоме масжиди имом-хатиби Исҳоқжон Муҳаммадjon ўғли томонидан ёзилган «Таълим ва тарбия» китобларининг тақдимотига бағишланди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Тадбир Қуръони карим тиловати билан бошланди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown





Сўнгра устозимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг «Тафсири Ҳилол 30-жуз» асарлари ҳақида сўз борди.

Пайғамбарларнинг меросхўрлари бўлган уламои киромларнинг вазифаси ҳам асри саодатдан то қиёматга қадар айнан ушбу илоҳий омонатни – Қуръон ва Суннатни халққа етказиш бўлиб келган ва келмоқда. Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, ушбу улкан масъулиятни шараф ила адо этишда уламои киром шайхимизнинг ҳам ана шундай улуғ хизматлари бор. Устозимиз ҳам халқимизга Қуръон ҳамда Суннатни етказдилар. «Тафсири Ҳилол» шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг Қуръонни етказишдаги улкан меҳнатлари маҳсули бўлса, «Ҳадис ва ҳаёт» туркуми Суннати набавияни етказишдаги фидокорона хизматлари бўлди. Ҳазрат

Қуръон ва Суннатни ўрганиш ва ўргатиш борасида яна бошқа қатор асарлар ҳам ёздилар, бироқ «Тафсири Ҳилол» халқимизнинг қалб тўридан муносиб ўрин олиб, у кишининг шоҳ асарлари бўлиб қолди.


«Тафсири Ҳилол» мўътабар тафсирларнинг анъаналарига содиқ қолган ҳолда, бугунги кун китобхонининг савияси, дунёқараши ва эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиб ёзилган бўлиб, ўқувчини Қуръони карим маъноларининг битмас-туганмас ҳикматларига ошно этади.

Абдуллоҳ Фуломов, Кўкча-Оқтепа жоме масжиди имом хатиби:

– Замонамиз уламоларининг эътироф қилишларича, «Тафсири Ҳилол»нинг яратилиши халқимизнинг маънавий ҳаётида, Ватанимизнинг тарихида улкан воқеа бўлди. Аввало, бу асар Мовароуннаҳрда тафсир ёзиш анъанасининг қайта тикланиши бўлди. Қолаверса, бу асар давр тақозоси билан она тилимизда ёзилган илк тафсирлардан бири бўлди. Шунингдек, «Тафсири Ҳилол» чоп этилиши юртимизда нафақат тафсир илмининг, балки умуман диний адабиётнинг қайта тикланишига туртки бўлди.

Image not found or type unknown





«Тафсири Ҳилол 30-жуз» асарининг ўзига хос жиҳати, муҳим хусусияти унинг муқаддимасидир. Ушбу муқаддимадан динимиз Ислom ҳақида, унинг дастури Қуръони карим ҳақида комил ва шомил маълумотлар ўрин олган. Муқаддима ўқувчини Қуръони карим билан таништиради, уни ўқиш, англаш ва ундаги илоҳий кўрсатмаларга амал қилишга ундайди. Шу боис, муаллиф Қуръон ўқишни инсон умридаги энг савобли, энг баракали ва энг фойдали фаолиятнинг ибтидоси, деб атайди.

Аллоҳ таоло ушбу китоб орқали Ўзининг каломи шарифига ошно бўлишни насиб этгани улкан ва беназир саодатдир. Бинобарин, тафсир ўқисак, дунёдаги энг улуғ, энг муқаддас, энг пок, энг баракотли китобни ўрганаётган бўламиз. Устозимиз, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ


Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг Қуръонга бўлган чуқур муҳаббати ила йўғрилган ушбу тафсир китобхонларимизга ана шундай тақдим қилинган.

Тадбирнинг иккинчи ярмида «Таълим ва тарбия» асарининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Таълим ақлни ривожлантиради ва сайқаллаштиради. Натижада у ўз ҳаётида керак бўладиган илму маърифатни ашёлар тўғрисидаги турли маълумотларни, касбий маҳорати ёки касб ва ҳунарларга тегишли бўлган фанларни ўрганади. Лекин тарбияга ўхшаб кенг қамровли бўла олмайди. Чунки таълим инсонни руҳий, ақлий ва жисмоний тарафларини бирдек қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам таълим ва тарбия доимо бирга бўлиши талаб этилади. Шу боис ҳам китоб «Таълим ва тарбия» деб номланди.

Муҳаммадшокир Турдибеков, «Эшонгузар» жоме масжиди имом ноиби:

– Шунини айта оламизки, фақат таълимнинг ўзи инсоннинг ҳар тарафлама етук ва комил бўлишига кифоя қилмайди. Яъни инсон тарбиясиз бўлса, ўзи эга бўлган таълимидан эзгу йўлда эмас, балки ёвузлик ва жиноят йўлида фойдаланиши мумкин. Шунинг учун ҳам бизнинг шариатимизда ҳеч қайси фан тарбиядан айри ҳолда ўргатилмаган. Мисол учун, тафсир, ақоид, ҳадис, фикҳ, мантиқ, балоғат, тарих, ҳаттоки араб тили дарслиги ҳам доимий ҳолда оят ва ҳадисларда келган тарбиявий маълумотлар билан бойитилган. Ижтимоий ва аниқ фанлар учун мўлжалланган дарсликлар ҳам албатта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган далиллар ва ҳужжатлар билан қувватланган. Масалан, математика, физика, кимё, география, биология, зоология ва ҳоказо, барча фанлардаги маълумотлар, албатта, шариат манбалари бўлмиш Қуръон ва ҳадисга боғлаш ва улардан далиллар олиш ва буюк алломаларнинг ҳаётларидан тарбияга оид мисолларни келтириш билан қувватланган. Шунинг учун ҳам мадрасаларда тарбия, ахлоқ-одоб, маданият ва маънавиятга тегишли алоҳида фан ва дарслик бўлмаган, балки бунга эҳтиёж ҳам қолмаган. Чунки ҳар қандай фан ва ушбу фандан таълим бераётган устоз тарбиявий жиҳатдан қониқарли, балки аъло даражада бўлган. Мазкур мулоҳазаларни эътиборга олиб, асарда фақатгина таълим тўғрисида эмас, балки унинг ажралмас қисми бўлмиш тарбия тўғрисида ҳам имкон қадар маълумотлар келтирилди.



Дарҳақиқат, ушбу китобда қалб ва унга тегишли бўлган ижобий ва салбий ҳолатлар тўғрисида, қолаверса, қалбга бўладиган ташқи ва ички таъсирлар, ҳужумлар, тажовузлар ва яна бошқа нарсалар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Боиси, қалб барча маълумотлар, хусусан, илм-маърифат, ахлоқ-одоб, таълим ва тарбиянинг макони саналади. Шунинг учун ҳам қалбни турли иллатлардан тозаламай туриб, гўзал фазилатларга эришиб бўлмайди. Ушбу китобда бунинг ҳам йўл-йўриғи ва баъзи бир услублари ёритилган.

Шунингдек, тадбирда «Hilol-nashr» нашриёти муҳаррири Озод Мунаввар ҳамда «Таълим ва тарбия» асари муаллифи Исҳоқжон Муҳаммаджон ўғли ҳам ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Тадбир ғоятда қизиқарли ва унутилмас таассуротларга бой бўлди.

Анвар Абдуллоҳ